



TEACHING METHODS FOR TEACHING ENGLISH AND IMPLEMENTING THE KNOWLEDGE OF CRITICAL THINKING OF STUDENTS

G. Kasimova

researcher

Fergana State University

Fergana, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: analysis, active teaching methods, critical thinking, game design, solving specific situations, a specific pedagogical question, problems.

Received: 22.11.22

Accepted: 24.12.22

Published: 26.12.22

Abstract: imitative methods of critical thinking (they are also game business games, game design and non-game - analysis of specific situations, solving situational problems) - pedagogical methods and special forms of training. Educational and scientific testing activities in such classes mimic the future professional and practical activities of students.

ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШДА ВА ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ БИЛИМЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

Г. Қосимова

тадқиқотчи

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: таҳлил қилиш, фаол ўқитиш методлари, танқидий фикр, ўйинли лойиҳалаштириш, муайян вазиятларни, муайян педагогик масала, муаммолар ечими.

Аннотация: Танқидий фикрлашнинг имитацион методлари (улар ўз навбатида ўйинли ишбилармонлик ўйинлари, ўйинли лойиҳалаштириш ва ўйинсиз - муайян вазиятларни таҳлил қилиш, вазиятли масалаларни ечиш) - педагогик усуллар ва машғулот ўтказишнинг махсус шакллари. Бундай машғулотларда ўқув - тарбиявий ва илмий текшириш фаолияти талабаларнинг бўлажак касбий амалий фаолиятларига тақлид қилиш.

МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ ПРИ ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ И РЕАЛИЗАЦИИ ЗНАНИЙ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ

Г. Касимова

Исследователь

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: анализ, активные методы обучения, критическое мышление, игровое проектирование, решение конкретных ситуаций, конкретного педагогического вопроса, проблем.

Аннотация: подражательные методы критического мышления (они же игровые деловые игры, игровое проектирование и неигровые - анализ конкретных ситуаций, решение ситуационных задач) - педагогические методы и специальные формы обучения. Учебно-воспитательная и научно-проверочная деятельность на таких занятиях имитирует будущую профессионально-практическую деятельность учащихся.

КИРИШ

Бугунги кунда педагогика соҳасида янги илмий йўналиш - педагогик инновация ва таълим жараёнида янгиланган фойдаланиш пайдо бўлиши натижасида педагог-тарбиячининг педагогик фаолиятида ҳам янги йўналиш педагогнинг инновацион фаолияти тушунчаси пайдо бўлди. Бу мактаб таълимида педагог-ўқитувчилардан катта изланишларни ва маҳоратларини мунтазам ривожлантириб боришларини талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев мана шуларни инобатга олиб, - “Шунинг учун ҳам ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида, замонавий билим ва касб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаган, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли инсонлар этиб вояга етказишда аввало сизларга таянамиз[1, 356]” -деб педагог-ўқитувчиларга катта ишонч билдирадilar.

Умуман олганда педагогика шиддат билан ривожланмоқда таълимга **инновация, инновацион фаолият, инновацион педагогика, таълимда инновацион жараёнларни бошқариш, чет тилларини ўрганиш, чет тилида дарс ўтиш** каби тушунчалар пайдо бўлди. Мамлакатимизда чет тилларини ўргатиш ва мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб барча таълим муассасаларида ўқитилишини ташкиллаш янги босқичга кўтарилмоқда. 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ҳамда 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида хорижий тилларни узликсиз ўргатишнинг жорий этилиши буни исботидир. Ҳозирги кунда

чет тилини, хусусан инглиз тилини ўрганишнинг сабаби, фан, маданият ва иқтисодиёт ривожланган давлатлар қаторига кириш учун жаҳон илм-фани ва тараққиёти ютуқларини эгаллашнинг бош омили сифатида манашу инновацион жараёнга эътибор берилмоқда.

Таълим муассасаларда чет тилларини, хусусан инглиз тилини ўқитилиши инновацион таълим назариясининг яратилиши билан боғлиқ. Бу таълим тизимини технологиялаштириш, педагогик технологияларни таълим тизимига киритиш орқали таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахс ижтимоийлашувини таъминлаш, бу борада муайян муваффақиятларга эришиш учун таълим жараёнида болага хорижий таълим ютуқларини сингдирган ҳолда муносабатда бўлишни шакллантиришга сабаб бўлади.

Маълумки, фаол ўқитишнинг кўп турли-туман кўринишдаги методлари мавжуд. Улар турли белгилари бўйича таснифланади. Талабаларни фаоллаштириш даражаси ва уларнинг билим эгаллаш ва тадқиқот (лойиҳа - конструкторлик ва ҳоказо) фаолиятларида фарқланади.

Танқидий фикрлашнинг имитацион методлари (улар ўз навбатида ўйинли ишбилармонлик ўйинлари, ўйинли лойиҳалаштириш ва ўйинсиз - муайян вазиятларни таҳлил қилиш, вазиятли масалаларни ечиш) - педагогик усуллар ва машғулот ўтказишнинг махсус шакллари. Бундай машғулотларда ўқув - тарбиявий ва илмий текшириш фаолияти талабаларнинг бўлажак касбий амалий фаолиятларига тақлид қилиш асосида кўрилади[2, 34].

Олий таълим тизимида инглиз тили ўқитишни ривожлантиришда танқидий фикрлашнинг энг самарали фаол ўқитиш методлари ўйинли лойиҳалаштириш, муайян вазиятларни таҳлил қилиш, муайян педагогик масалалари ва муаммоларини ечиш, ҳақиқий курс ва диплом лойиҳалари бажариш каби жараёнларда муҳим аҳамият касб этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Инглиз тили ўқитишда танқидий фикрлашни ривожлантиришда ўйинли лойиҳалаш асосан объектни яратилиш ва такомиллаштириш жараёни имитация қилинади ёки қайта тикланади (масалан, сўзларни талаффуз этишда, интонацияси механизми, ижтимоий - иқтисодий муносабатларда ишлатилиши ва х.к.).

Талабаларнинг инглиз тили ўқитишда танқидий фикрлаш билимларини амалга оширишда ўрганилаётган предметини бевосита жамоатчилик лойиҳалаш характериға эга бўлади. У функционал-ролли ва объектни яратилиш ва такомиллаштиришнинг тикландиган механизмлари нуқтаи - назаридан амалга оширилади. Бундай ҳолат,

одатда муайян объектни ўрганишда курс ёки диплом ишларини бажаришда иштирок этаётган талабаларнинг мақсад ва қизиқишларига асосланган турли -туман бўлиши мумкин, лекин улар қандай бўлмасин унинг асосида ўқита асосий элемент ётади: 1) лойиҳани ишлаб чиқиш алгоритми; 2) эксперт баҳолаш механизми ёки лойиҳани ўйин тарзида «ҳаракатда синаш»; 3) бўлажак инглиз тили ўқитувчисини - ўйинли лойиҳалаш қатнашчиларини функционал-ролли қизиқишларини аниқлаш механизми.

Бу элементларнинг ҳар бири бўлажак инглиз тили ўқитувчисини танқидий фикрлашга тайёрлашда муҳим рол ўйнайди. Дастлабки икки элементда иштирок этиш улар инглиз тилида инновацион жараёнларни ташкил қилишни ўрганишларига шароит яратади.

Инглиз тили ўқитишда танқидий фикрлашнинг технологиялари бевосита ишлаб чиқаришда (ёки илмий муассасада) амалга оширилганда айниқса самаралидир. Қизиқишларни мувофиқлаштиришга ёки хусусий мақсадларни умумийга келтиришга йўналтирилган охириги элемент, ўйинли лойиҳалашни ҳақиқий жараёнларни моделлаштиришга айлантиради ва бўлажак инглиз тили мутахассислар учун катта аҳамиятга эга, чунки лойиҳани «факультетлараро» синовдан ўтказишга ўргатиш хусусиятига ҳам эга бўлади

Инглиз тили ўқитишни ривожлантиришда танқидий фикрлашнинг муайян вазиятли масалалари (илмий муаммоларни)ни ҳал қилиш - бу метод бўлажак инглиз тили ўқитувчисида муаммони муайян шароитда аниқ белгилаш ва ҳал қилиш маҳоратини шаклланишига ёрдам беради. Вазиятли ишлаб чиқариш масалалари инглиз тили - машғулотларидан тубдан фарқ қилади. Агар ўқув масалаларида ҳар доим аниқ белгиланган шарт (нима берилган) ва талаб (нимани аниқлаш зарур) мавжуд бўлса, вазиятли ишлаб чиқариш масаласида (илмий муаммода), одатда униси ҳам, буниси ҳам йўқ. Бўлажак инглиз тили ўқитувчисига масалани танқидий ечиш давомида, ҳақиқий вазиятларда бўлганидек, энг аввало ҳолатни ўрганиш, муаммо борми ва у нимадан иборатлигини аниқлаш зарур. Яъни асосланган қарорга келиш учун унинг ўзи нима маълум ва нимани аниқлаш кераклигини белгилайди. Шунинг учун бундай масалаларни ҳал қилишда педагогик технологиядан фойдаланиш, ўқув масалаларини ечиш ва инглиз тили ўқитишни ривожлантиришда танқидий фикрлашнинг масалаларини ўзига хос муҳим томонларини аниқладик[3].

Шундай қилиб, талабаларнинг билиш фаолияти бу ҳолда ҳам тадқиқий (лойиҳалаш-конструкторлик) характерга эга бўлади. Аммо ушбу нарсa шундагина

амалга ошадики, агар инглиз тили ўқитувчининг фаолият технологияси қуйидагича амалга оширилади.

Биринчидан: - бўлажак инглиз тили ўқитувчиси томонидан баён қилиниши мумкин бўлган вазиятли масала материалларини талабалар томонидан мустақил таҳлил қилишни (компьютерда ёки ўқитишнинг бошқа техник воситалари ёрдамида) уюштиришга;

Иккинчидан: - Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий фаолият объектларида ташкил қилинган илмий – педагогик мактабларидаги мутахассислар орасида функцияларни дастурий - ролли тақсимланиши асосидаги ишбилармонлик ва эвристик ўйинлар. Масалан бу фаолиятлар;

- «масалаларни ниқловчилар» - кейинчалик ишлашлари мўлжалланган, танқидий фикрлашда уларни фаол қидириш ва аниқлаш билан банд бўлган талабалар;

- «фаоллаштирувчилар» - ижодий жамоани ўзига хос катализаторлар жамиятини бажарувчилар. Уларнинг вазифаси ижодий жамоани барча аъзоларининг фаоллашиши керакли даражада ушлаб туришни таъминлашдан иборат;

- «Ғоялар генераторлари»-ғайриоддий фикр билдирувчи ва илмий муаммони ечилишига олиб келувчи йўлни таклиф қилувчи талабалар;

- «резонаторлар» -ғояларни туғилишига ва уларни ижодий жамоанинг бошқа аъзолари томонидан қабул қилинишига ёрдамлашувчи талабалар;

- «назоратчилар» - муаммони ечишнинг оптимал вариантини қайта ишлаш ва танлаш билан банд бўлган талабалар.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб ҳозирги кунда таълим тизимида чет тилларини, хусусан инглиз тилини ўргатишнинг инновацион усуллари қўллаш орқали ўқитиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Педагог-ўқитувчиларни ташаббуслари ва янгиликлари асосида айнан барча таълим тизимида мазмун ривожланиш кузатилади. Шунингдек, таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, инновация маълум бир фаолият майдонидаги муаммони ечиш учун янгича ёндашув демакдир.

Талабаларни илмий-ижодий фаолиятни бажариш ва илмий -педагогик мактабда ечадиган танқидий масалаларга тайёрлиги билан боғлиқ равишда маълум ролларни бажарувчи «сунъий интеллект»нинг турли вариантлари ишлаб туриши мумкин.

Демак, бўлажак инглиз тили ўқитувчисини танқидий фикрлашда фаол ўқитиш методларидан фойдаланиш самарали натижалар бериши маълум бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.М.Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 2019. 356-б.
2. Джени Стил, Керт Мередис, Чарльз Темпл. Проект: Чтение и письмо для развития критического мышления. Пособия 1-7. Бишкек, 2000.
3. Фарберман Б.Л. ва бошқ. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. – Т., 2002.
4. Oxojonovich, A. S., & Usmoilovich, A. Y. (2022). About the Problems of Language Teaching to Little Children. *International Journal of Culture and Modernity*, 14, 30-34.
5. Abdiloyev, S. O. (2022). Nemis tili darslarida frazeologizmlardan foydalanishning innovatsion usullari. *Архив научных исследований*, 2(1).
6. Oxojonovich, A. S. (2022). On the General Associative Aspects of Allegoric Symbols. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 6, 424-428.
7. Умаржонова, Г. М., & Абдиллоев, Ш. О. (2022). НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “HAND”-“ҚЎЛ” КОМПОНЕНТЛИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ СТРУКТУР-ГРАММАТИК ТАҲЛИЛИ. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(10), 226-231.
8. Bakhrom, B. (2022). Information technologies in physical culture and sports. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(10), 288-292.
9. Rahberdi, R., & Yusupovich, I. V. (2022). PROBLEMS IN LEARNING ENGLISH IN DIFFERENT CLASSES IN SECONDARY SCHOOLS. *Thematics Journal of English Language Teaching*, 6(1).
10. Pirmatovich, R. R. (2022). IX-XII ASRLARDA DUNYOVIY ILM-FAN SOHASIDA IJOD QILGAN OLIMLAR VA ULARNING ILMIY MEROSI. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(10), 450-452.
11. Yusupovich, I. V., Pirmazarovich, R. R., & Mamatojiyevich, M. A. (2022). Using Social Forms in German Language Lessons its Benefits. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 724-726.
12. Nuritdinova, S. X., & Ibragimov, V. Y. (2022). Problems of Grammatical Interference in Teaching German Language to Uzbek Students. *International Journal of Formal Education*, 1(10), 163-168.
13. Khamidovna, N. S. (2021). On The Use of Infinitive Groups in German and Uzbek Languages. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 1(1), 202-204.

14. Kurbanova, M., Nuriddinova, S., & Abdulhaeva, F. (2022). Characteristics Of Neologisms Created in The Epics of Independence. *Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities*, 3, 89-92.
15. Xamidovna, N. S. (2021). On The Influence of The Phonetic Laws of The Uzbek Language in The Teaching of German. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 3, 46-48.
16. Kurbanova, M., Ibragimova, Z., & Nuriddinova, S. (2022). Lexico-Semantical Properties of Omonym and Alliance Words Used in Epics of Independence Periods. *Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities*, 3, 93-96.
17. Nuritdinova, S., & Kochkarova, Y. (2022). Difficulties In Teaching Foreign Languages. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 4, 127-128.
18. Mamasoliev, R. (2020). BENEFITS OF INTRODUCING INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN EDUCATION. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 314-316).
19. Mamasoliev, R. A. (2022). ANALYSIS OF SYNONYMS FOR THE CONCEPT OF TEACHER IN GERMAN AND UZBEK. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 2022(1), 194-203.
20. Musinovna, S. H., & Tadjibaevn, M. A. (2021). STRUCTURAL AND SEMANTIC CHARACTERISTICS OF PROVERBS. *Евразийский Союз Ученых*, (1-4 (82)), 22-25.
21. Сотвалдиева, X. М. (2016). ДОСТИЖЕНИЕ ЛИНГВОДИДАКТИЧЕСКОЙ ЦЕЛИ ИГРОВЫМИ МЕТОДАМИ В ФОРМИРОВАНИИ ЛЕКСИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА СТУДЕНТОВ ВУЗА. *Учёный XXI века*, (4-1 (17)), 60-63.
22. Сотвалдиева, X. М., & Дадамирзаева, Н. (2018). Синтаксическая структура английских пословиц. *Молодой ученый*, (44), 306-307
23. Tuhtarova, I. (2020). SOME ASPECTS OF USING EXAMPLES OF FICTION IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(6), 409-415.
24. Saminjonov, B. (2021). THE ROLE OF TEACHING FINE ARTS AND DRAWING IN THE DEVELOPMENT OF INNOVATIVE AREAS. *Студенческий вестник*, (11-4), 6-8.
25. Kosimova, G. (2020, June). THE POWER OF THE TRUE WORD. In *Archive of Conferences* (Vol. 1, No. 1, pp. 27-29).